

AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Special Issue | pp. 136-143 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

БУХГАЛТЕРИЯ АХБОРОТИ ҲИСОБ ВА ТАҲЛИЛНИ ШАКЛАНТИРИШ АСОСИ СИФАТИДА



Шахноза Раҳматова

Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти

Аннотация: Мазкур мақолада ҳисоб-таҳлил тизими моҳияти ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятидаги аҳамияти ва роли, "бухгалтерия ахбороти" тушунчасининг моҳияти, хўжалик юритувчи субъектни бошқариш ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадида бухгалтерия ахборотининг турлари ҳақида сўз боради. Бухгалтерия ахборотининг ташқи ва ички фойдаланувчиларга қаратилган бирламчи ҳисоб маълумотлари ва уларнинг тўпланиш даражаси асосида шаклланиш жараёни кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: бухгалтерия ахбороти, ҳисоб – таҳлил тизими, уйғуналаштириш, бирлаштириш, бухгалтерия ҳисоби усули, ҳисоб регистрлари, бухгалтерия ахбороти талқини, молиявий ҳисоботлар.

БУХГАЛТЕРСКАЯ ИНФОРМАЦИЯ-ОСНОВА ФОРМИРОВАНИЯ УЧЕТА И АНАЛИЗА

Аннотация: В данной статье раскрывается сущность учетно-аналитической системы и ее роль в деятельности хозяйствующего субъекта а также, сущность понятия "бухгалтерская информация", виды бухгалтерской информации для целей управления и повышения эффективности принимаемых управленических решений хозяйствующим субъектом. Рассмотрен процесс формирования учетной информации на основе первичных учетных данных, ориентированных на внешние и внутренние пользователи.

Ключевые слова: бухгалтерская информация, учетно-аналитическая система, унификация, консолидация, метод учета, учетные регистры, интерпретация учетной информации, финансовая отчетность, гармонизация.

ACCOUNTING INFORMATION IS THE BASIS FOR ACCOUNTING AND ANALYSIS

Abstract: This article describes the essence of the accounting and analytical system and its role in the activities of an economic entity, as well as the essence of the concept of "accounting information", types of accounting information for management purposes and

increasing the efficiency of management decisions made by an economic entity. The process of generating accounting information based on primary accounting data, which considered based on the primary accounting data for external and internal users of accounting information and their level of accumulation.

Key words: accounting information, account - analysis system, harmonization, integration, accounting method, account registers, interpretation of accounting information, financial reports.

Кириш

Ҳозирги кунда ахборот бошқарув жараёнини амалга ошириш учун бебаҳо манба бўлишига сабаб у доимо режалаштириш, ташкил этиш, ривожлантириш ва назорат каби барча бошқарув функцияларини амалга оширишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ахборот иқтисодий ахборот тизимида муҳим функционал вазифага эга бўлиб, хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий фаолияти моддий ва молиявий ресурсларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлиш ва истеъмол қилишнинг иқтисодий жараёнларини акс эттирувчи иқтисодий ахборотни шакллантириш билан боғлиқдир. Бухгалтерия ахбороти эса ўз ўрнида хўжалик юритувчи субъектни бошқаришда восита бўлиш билан биргалиқда хўжалик фаолияти ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш ва тақдим қилиш усули ҳамдир. Айни вақтда бухгалтерия ҳисоби ахборотлари хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарияти учун мавжуд имкониятлардан ўз вақтида фойдаланиш ва истиқболли ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишида муҳим аҳамиятта эга.

Шуни таъкидлаш керакки, бухгалтерия ҳисоби ахборотлари юқори сифатда тузилиб, тақдим этиладиган бўлсагина, ҳам ички, ҳам ташқи фойдаланувчилар учун фойдали ҳисобланади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Бухгалтерия ахборотининг шаклланишига ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил тизимидағи ўрни ва аҳамиятига меъерий-хуқуқий ҳужжатлар ва иқтисодчи олимларнинг асарларида кенг эътибор қаратилган. Хусусан, "Молиявий ҳисоботларини тақдим этиш" номли 1-сон бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига (БХХС)га мувофиқ, капитални бошқариш жараёнида корхоналар ўз мақсадларига эришиш учун молиявий ҳисоботда сифатли ахборотни таъминлаш керак [2]. Ғарблик иқтисодчи олим Б.Поундер (B.Pounder)нинг таъкидлашича бухгалтерия ҳисобининг аҳамияти у тақдим қилаётган ахборот билан ўлчанади[4]. С.А.Левицкая ва К.А.Иващенколарнинг қайд қилишича, бухгалтерия ахбороти – бу хўжалик обьектларини таҳлил қилиш, баҳолаш, рўйхатга олиш ва умумлаштириш жараёнлари бўйича тегишли бирламчи ҳужжатлар, регистрлар ва ҳисбот шакллари билан тасдиқланган бухгалтерия ҳисоби маълумотлари йиғиндисидир [5]. Европалик иқтисодчи олимлар Н.Ортега ва Х.Рамирес таъкидлашларича, бухгалтерия ахборотининг аҳамияти уни ташкилот фаолиятининг самарадорлиги билан аниқланади [9]. Махаллий иқтисодчи олимларимиздан З.Зуфарова ва А.Авлокуловларнинг таъкидлашича, бухгалтерия ахборотини ҳисоб ва таҳлилни шакллантиришдаги аҳамияти уни сифат хусусиятлари билан бевосита боғлиқ [10].


Юқорида келтирилган иқтисодчи олимлар фикрларидан шуни холоса қилиш мүмкінки, бухгалтерия ахбороти ҳисоб - таҳлил тизимининг муҳим қисми бўлиб, уни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар ҳали анча давом этади. Шу қаторда биз ҳам бухгалтерия ахборотини ҳисоб-таҳлил тизимидағи ўрни тўғрисида илмий изланишга ҳаракат қилдик.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Илмий тадқиқотни олиб боришда бухгалтерия ахборотининг ҳисоб-таҳлил тизимидағи бекиёс ўрни ва аҳамияти борасидаги иқтисодчи –олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни қузатиш ҳамда иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф изланиш ва тажрибалари билан қиёсий таҳлил қилиш йўли орқали тегишли холоса, таклиф ва тавсиялар бериб ўтилган.

НАТИЖА ВА МУҲОКАМА

Бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит мустақил, жадал ривожланаётган, ихтисослашган иқтисодий фанлар бўлиб, ҳар бири ўзига хос предмети, тадқиқот усуллари ва амалий қўлланиш соҳаларига эга. Маълумки, бухгалтерия ҳисоби доирасида молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисобларига бўлиниш мавжуд. Бухгалтерия ҳисобининг бундай ихтисослашуви уни қўллашнинг муайян соҳаларида чуқурлаштириш ва дифференциация қилишга қўмаклашади.



1-расм. Ҳисоб турлари бўйича бухгалтерия ахборотининг бўлиниши¹

¹ Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишланган

Айни вақтда, амалий иқтисодиётнинг мустақил қисм (сегмент)ларига айланган бу соҳалар ўзаро узвий боғланган бўлиб, самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда ва амалга оширишга ўз хиссасини қўшиш каби умумий мақсадга эга. Юқорида таъкидлаганимиздек, амалиётда ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда ўз фаолиятининг молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисобларида шакллантирилган ва қайта ишланган маълумотлар яъни бухгалтерия ахборотидан фойдаланади. (1-расм)

Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудитга хос бўлган тегишли функциялар (масалан, харажатларни ҳисобга олиш ва баҳолаш, уларни таҳлил қилиш, бошқарув қарорларининг бажарилишини назорат қилиш ва хўжалик юритувчи субъект фаолияти самарадорлиги) бутунги кунда ушбу амалий фанларнинг интеграцияси ҳақида ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан сўз юритишга имкон беради, бу эса ўз навбатида ҳисоб-таҳлил тизими тушунчасини кенг тарқалишига замин яратди.

Хўжалик юритувчи субъект иқтисодий барқарорликка ўз фаолиятини мақсадли мониторинг қилиш, муаммоларни олдиндан кўра олиш ва бартараф этиш ҳамда стратегик ва оператив бошқарувнинг молиявий ва номолиявий баҳолаш кўрсаткичларининг ўзаро уйғунлиги билан эришиши мумкин. Шу сабабли, хўжалик юритувчи субъектнинг стратегик мақсадларига йўналтирилган ягона бошқарув тизимини шакллантириш эҳтиёжи юзага келади бу эса ўз навбатида бир қатор муаммоларни ҳал қилишни талаб қиласди.

Халқаро амалиётда менежерларнинг бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш эҳтиёжларини таъминлайдиган умумэътироф этилган ахборот тизими бу ҳисоб-таҳлил тизими ҳисобланади.

Кенг маънода ҳисоб-таҳлил тизими деганда бухгалтерия ахборотига, шу жумладан тезкор маълумотларга асосланган ва иқтисодий таҳлил учун статистик, техник, ижтимоий ва бошқа турдаги маълумотлардан фойдаланадиган тизим тушунилади. Бу эса ўз ўрнида кенг қамровда ҳисоб-таҳлил тизими микро ва макро даражадаги бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланиладиган турли маълумотларни йиғиши, қайта ишлаш ва баҳолашни назарда тутади [8].

Хўжалик юритувчи субъектни бошқаришнинг замонавий босқичида ахборот оператив, тактик ва стратегик турларига бўлинади. Молиявий ҳисобда оператив ва тактик ахборот, бошқарув ҳисобида – стратегик ахбороти шаклланади.

Ҳар қандай ҳисоб-таҳлил тизимининг муҳим таркиби қисми бу унда шаклланган бухгалтерия ахбороти ҳисобланади. Айнан молиявий ҳисоб ва ҳисботининг маълумотлари хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда ҳамда солиқ ҳисобини юритишга асос ҳисобланади. Молиявий ҳисоб ва ҳисботини тузишга қўйилган талаблар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, бухгалтерия ахбороти – бошланғич ҳисоб хужжатларига асосланган, бухгалтерия ҳисоби регистрларида, молиявий ҳисботларда, тушунтиришларда ҳамда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ бошқа хужжатларда акс эттириладиган бухгалтерия ҳисоби обьектлари ҳақидаги қайта ишланган маълумотлардир [1].

Бухгалтерия ахбороти бошқарув қарорларини қабул қилишга йўналтирилган бўлиб, бошланғич ҳисоб ҳужжатларида акс этган хўжалик муомилалари ва жараёнларини ҳисоб-китобини юритиш мақсадида шакллантирилади, гурухланади, тизимлаштирилади ҳамда қайта ишланади. Ўз навбатида бундай баҳоланиш бухгалтерия ахборотини молиявий ҳисоботнинг кўрсаткичларига трансформация қилишга имкон беради [6]. Шунинг учун замонавий бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил тизимида молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрнатиш ҳамда рақамли иқтисодиётда маълумотлар умумий омборининг яратилиши қаби муаммолар вужудга келади.

Шу ўринда, хўжалик юритувчи субъектнинг ягона маълумотлар омборини икки айланада тизимда мустақил фаолият юритувчи молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисобларини бир айланада тизимида бирлаштириш орқали яратиш имкони мавжуд бўлади.

Ташқи ва ички ҳисоб тизимининг бирлашиши қўлами хўжалик юритувчи субъектда амалда бўлган индивидуал унификация стратегияси орқали аниқланади. Ўз навбатида ташқи ҳисоб тизими қонунчилик доирасида тартибланса, ички ҳисоб эса хўжалик юритувчи субъектнинг ички ҳужжатлари асосида тартибланади. Ушбу ҳисоб тизимларини бирлаштириш ва уйғунаштириш хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг натижаларини акс эттирган кўрсаткичларни ягона тафсирланишига имкон яратади бу эса ўз навбатида ички ва ташқи фойдаланувчиларга жуда кенг қулийкларни яратади. Шу билан бир қаторда амалиёт шуни қўрсатадики, бухгалтерия ахборотини йиғиши ва қайта ишлашнинг алоҳида жараёнлари бухгалтерия ахборотини рақамлаштиришда ортиқчалик қиласи.

Айни вақтда назорат (controlling) концепциясидан фойдаланишида ҳисоб тизими хўжалик юритувчи субъек фаолияти жараёнларини назорат қилиш мақсадида молиявий ҳисоб доирасида ҳужжатлаштиришга асосланади. Маълумки, ҳисобот даври якуни бўйича бухгалтерия баланси тузилади, молиявий натижада аниқланади, ҳамда ҳисоб тизими турли ҳил калькуляцион моделлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот бир бирлигига кетган харажатларни калькуляциясини амалга оширади. Харажатлар калькуляциясида камидан 3 моделдан фойдаланилади, булар [7]:

- харажатларни ҳисоблаш – бу калькуляцион фойдани ҳисоблаш бўлиб, бунда ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш/хизмат) қиймати ва маҳсулот (иш/хизмат) ишлаб чиқарилишида қилинган харажатларни таққослаш орқали аниқланади. Харажатларни ҳисоблаш ўз ўрнида самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга ҳамда уларни амалга оширишга асос бўлади;

- баланс ҳисоби - соғ активлар қийматини баҳолашга асос яратиб, аниқ бир ҳисобот даври учун мулк ва қарздорлик бўйича баланс моддалирини таққослаш орқали амалга оширилади.

- молиявий ҳисоб – бу даромадлар ва харажатларни таққослаб, ҳисобот даври учун баланс ликвидилигини аниқлайди. Мазкур ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий эффиқтини аниқлашга замин яратади.

Бухгалтерия ахборотининг шаклланишига бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил тизимида бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари ҳамда бухгалтерия ҳисоби методининг асосий элементлари орқали эришилади.

Бухгалтерия ҳисоби усули элементларининг функционал боғлиқлиги ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларини шакллантиришдаги роли 1-жадвалда келтириб ўтамиз.

1- жадвал

Бухгалтерия ҳисоби усули элементларининг мақсади ва молиявий ҳисботни шакллантиришдаги роли²

| Метод элементи | Мақсад | Бухгалтерия ахборотини шакллантиришдаги аҳамияти |
|------------------|---|---|
| Хужжатлаштириш | Хўжалик жараёнларини хужжатлаштириш | Бухгалтерия ҳисоби обьектларини бирламчи кузатув орқали бухгалтерия ахборотини шакллантириш – бухгалтерия ахборотини юқори даражадаги батафсиллиги, жорий қарорларни қабул қилишга йўналтирилганлиги. |
| Инвентаризация | мол-мулк ва мажбуриятларнинг ҳақиқатда мавжудлиги текшириш ҳамда олинган маълумотларни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиширув. | Бухгалтерия ахбороти ҳисоб обьектларини қиймат ўлчовида шаклланади. Турли хил ахборот оқимини ягона жамланма ҳисбот кўринишида жамлайди. |
| Баҳолаш | Мол-мулк ва мажбуриятларни турли хил ўлчов бирликларидан ягона ўлчов бирлигига акс эттириш | Бухгалтерия ахбороти ҳисоб обьектларини қиймат ўлчовида шаклланади. Турли хил ахборот оқимини ягона жамланма ҳисбот кўринишида жамлайди. |
| Калькуляция | Ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматлар таннархини ҳисоблаш. | Бухгалтерия ахбороти бухгалтерия ҳисоби обьектлари бўйича маълумотларни жорий гурухлаш орқали шаклланади. Ҳисобвараклар, суб ҳисобвараклар кўламида бухгалтерия ахборотини тўпланиши |
| Ҳисобварақлар | Бухгалтерия ҳисоби обьектларини иқтисодий мазмунининг бир хиллиги асосида гурухлаш. | Бухгалтерия ахбороти бухгалтерия ҳисоби обьектлари бўйича маълумотларни жорий гурухлаш орқали шаклланади. Ҳисобвараклар, суб ҳисобвараклар кўламида бухгалтерия ахборотини тўпланиши |
| Икки ёқлама ёзув | Бухгалтерия ҳисоби обьектлари, хўжалик муомилларининг ўзаро боғлиқлигини иққита ҳисобда акс эттириш. | Бухгалтерия ахбороти ташкилотнинг мол-мулки ва молиявий ҳолати бўйича маълумотларни даврий умумлаштириш орқали шаклланади. Ташкилот |
| Умумлаштириш | Ташкилотнинг хўжалик воситаларини (турлари, жойлашуви, шаклланиш манбалари ва ишлатиш мақсади бўйича) пул ўлчов бирлигига гурухлаш ва | Бухгалтерия ахбороти ташкилотнинг мол-мулки ва молиявий ҳолати бўйича маълумотларни даврий умумлаштириш орқали шаклланади. Ташкилот |

² Тадқиқиотлар натижасида муаллиф томонидан ишланган

| | | |
|------------------|---|---|
| | умумлаштириш | миқёсида йигилган бухгалтерия ахбороти ташқи ва ички фойдаланувчиларга йўналтирилган. |
| Молиявий ҳисобот | Маълум давр учун ташкилотнинг мол-мулки ҳолати ҳамда молиявий натижалари тўғрисида маълумотларни ягона тизимини яратиш. | |

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хulosha қилиб шуни таъкидлашимиз лозимки, ҳисоб-таҳлил тизими, тўхтовсиз юритилганда гина, бухгалтерия ахборотининг сифатини яхшилайди ва амалий қўллаш кўламини кенгайтиради, пировардида тайёрланаётган ва тақдим қилинаётган молиявий ҳисботларнинг сифатига ҳамда унинг қўрсаткичларини ўзига бевосита таъсир қўрсатади яъни манфаатдор фойдаланувчилар учун бухгалтерия ахбороти самарадорлигини оширади, бу эса ўз навбатида ҳисоб-таҳлил тизимининг асосий мақсади ва моҳияти ҳисобланиб, у юқори малакали бухгалтер-таҳлилчига юкланиши лозимлигига далолат қиласди.

Таъкидлашимиз керакки, бухгалтерия ахбороти ҳисоб маълумотлари оқимининг тури турли даражадаги концентрациясига эга. Ҳисоб-таҳлил тизимида бухгалтерия ҳисоби усулининг қўлланиладиган элементларига қараб бухгалтерия ахборотини йиғишининг 4 даражасига ажратишимиз мумкин:

- 1) молиявий ҳисбот;
- 2) синтетик ҳисобнинг бухгалтерия регистрлари;
- 3) аналитик ҳисобнинг бухгалтерия регистрлари;
- 4) бирламчи бухгалтерия хужжатлари

Қолаверса, бухгалтерия ахборотининг ўзининг батафсиллик даражаси билан хўжалик юритувчи субъектнинг самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш аҳамияти бекиёс бўлиб, у куйидагиларни қамраб олади:

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботларни тузишнинг (масалан, фаолият турлари бўйича алоҳида бухгалтерия ҳисоби бўйича) амалдаги қонун хужжатлари талабаларига мувофиқлиги;

- бухгалтерия ахборотини олиш харажатларининг ундан фойдаланишдан кутилган натижалардан паст бўлиши кераклигидан иборат тежамкорлик тамоилини амалга ошириш;

- бухгалтерия ахборотини шархлаш йўли билан тезкор ва тактик бошқарув қарорларини қабул қилиш учун муҳим бўлган маълумотларни олиш зарурати.

Бухгалтерия ахборотини шархлаш хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг тури усулларини қўллаш орқали амалга оширилади.

Ҳисбот даври учун жорий бухгалтерия ахборотини умумлаштириш асосида тузилган молиявий ҳисбот тугалланган хўжалик жараёнлари тўғрисида муҳим

маълумотларни ўз ичига олиб, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий – хўжалик фаолиятининг ҳажми ва сифат кўрсаткичлари тўғрисида етарлича тўлиқ маълумотларни ўз ичига олади [11].

Хўжалик юритувчи субъект ҳисоб-таҳлил тизими доирасида амалга ошириладиган мақсадли базавий кўрсаткичларни таҳлил қилиш унинг ихтиёридаги молиявий ресурслар, улардан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисида раҳбарият учун муҳим бўлган маълумотларни олиш имконини яратади. Операцион ва статистик ҳисбот маълумотларини аниқлаштириш учун молиявий ҳисботнинг жамланган кўрсаткичларидан фойдаланилади. Фикримизча, оператив ва статистик ҳисботлардан фарқли ўлароқ, бухгалтерия ахбороти юқори ишончлилиги билан ажralиб туради, чунки у барча хўжалик операцияларини хужжатлаштиришга асосланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2016 йил 13 апрелдаги ЎРҚ 404-сонли “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
2. International standard of accounting №1. Presentation of financial statements. www.iasplus.com
3. Корягин М.В., Куцык П.А. Качество бухгалтерской отчетности как информационного продукта учетной системы. //Международный бухгалтерский учет. <http://fin-izdat.ru/journal/interbuh>
4. Bruce Pounder. Measuring Accounting quality.//Strategic finance. May, 2013
5. Левицкая С.А., Иващенко К.А. Accounting information resources: a theoretical aspect.//Proc.11th Sci.Conf. Winter readings dedicated to outstanding scientists in the field of Accounting, Analysis and Control. Zytomyr, Zytomyr State Technological University Publ., 2013, pp. 65-68
6. Соколов Я.В., Пятов М.Л. Достоверный и добросовестный взгляд на бухгалтерскую информацию // Бухгалтерский учет. 2007. № 5. С. 52-56.
7. Устинова Я.И. Концепция достоверного и добросовестного взгляда на бухгалтерскую информацию: российская теория и практика //Аудит и финансовый анализ. 2010. № 1. С. 32-40.
8. Попова Л.В. Основные теоретические принципы построения учетно-аналитической системы//[Журнал "Финансовый менеджмент" - Основные теоретические принципы построения учетно-аналитической системы \(finman.ru\)](http://finman.ru)
9. Nubia Isabel Diaz Ortega, Juan Manuel Villamizar Ramirez. The use of accounting information system as guidance for the decision-making in Cucuta SMEs.//Revista ESPACIOS. Vol. 38 (№ 41), 2017. Page. 2
10. A.Avlokulov, Z.Zufarova Directions of increasing the quality of accounting information//International Finance and Accounting, Vol.2021//6-1-2021
11. Ванюкова Р.А. Бухгалтерская информация как предмет управлеченческих процессов // Основные направления концепции развития АПК в условиях рыночной экономики. Сборник научных трудов. Йошкар-Ола, 1997. С.133-135.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

